



ЖАМИАТ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

13 апрель, пайшанба, 1995 йил
Сотувада эркин нархда. № 71 (1073)

БИЗ ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ЙЎЛИДАН БОРМОҚДАМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ГФР ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ РОМАН ГЕРЦОГ ШАРАФИГА УЮШТИРИЛГАН КАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТКИ

Муҳтарам Федерал Президент жаноблари!
Хонимлар ва жаноблар!
Сизларни бугун бу ерда, Ўзбекистон диёрида қутлаш менга катта мамнуният бахш этди.

Германия Федератив Республикаси биринчилар қаторида бизнинг мустақиллигимизни тан олгани ва давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига уч йилдан сал ортди.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш эҳтимки, ўзаро муносабатларимиз бошланган мана шу қисқа муддат мобайнида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш бўйича ўнлаб йилларда юз бериши мумкин бўлган воқеалар содир бўлди.

Сизнинг, жаноб Федерал Президент, Германиянинг ана шундай улкан делегацияси раҳбари сифатидаги мазкур ташрифингиз ҳам алоқаларимизнинг тобора ривожланиб бораётганини, иккала томон ҳам бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор эканини тасдиқлайди.

Давосдаги яқинда бўлган учрашувимизда Ўзбекистонда юз бераётган жараёнларга катта ва самимий қизиқиш изҳор қилганингиз менинг хотирамда ўрнашиб қолди, жаноб Президент.

Умид қиламанки, ҳали Сиз жаноби олийларининг Ўзбекистондаги демократик янгиланишлар жараёни тобора жадал сурятлар билан

ривожланиб бораётганига амин бўлишингизга имконият туғилади. Биз жамиятимизни янгилаш ҳамда бозор муносабатларини қарор топтириш йўлидан далил бормоқдамиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар анъаналари чуқур илдишларга эга эканини эслатиб ўтишни истар эдим. **«Сименс бошдаёқ»** «Сименс» фирмаси Тошкентдаги биринчи телефон станциясини барпо қилишда иштирок этган эди. Афсуски, ушанда бошланган алоқалар кейинчалик ривожланмай қолди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришини янги уфқлар очиб берди. Бугунги кунда мамлакатимизда «Сименс» билан бир қаторда «Даймер Бенд», «Алкатель», «Тиссен», «Люфтганза» ва бошқа кўплаб Германия концерни ва компаниялари муваффақиятли ишламоқда. «Дойче банк», «Берлинер банк» ва Германиянинг бошқа банк муассасаларининг Ўзбекистондаги яхши фаолияти тубайли бизнинг молиявий ҳамкорлигимиз ҳам кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида тобора ривожланиб бораётган савдо-сотиқ ҳамкорлигининг юксак самара бераётганини намойиш этиб турибди. Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо обороти 3 йил ичида 5 марта ўсди ва бу йил 1 миллиард Германия марказидан ошиб

кетди.

Федерал Президент жаноблари!
Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли шерик сифатида кириш илгор мамлакатлар тажрибасини ижодий равишда идрок этишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам бизнинг Германияга бўлган қизиқишимиз ўз-ўзидан тушунарлидир. Немис халқининг уруш вайрон қилган иқтисодийни қайта тиклаш, демократик давлат қуриш йўлидаги муваффақиятлари илҳомбахш ибрат бўлиб, бизнинг бошланган ислохотларимизнинг муваффақиятига ишончимизни мустаҳкамлайди.

Сизларнинг Бирлашган Германиянинг шарқий ўлкаларини қайта ислох қилиш ҳусулидаги тажрибангиз Сизга бизнинг сиёсий ва иқтисодий янгиланишлар юзасидан амалга ошираётган ишларимиз миқёси ва мураккаблигини яхши тасаввур этиш имконини беради.

Биз бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганган эканми, адолатли жамият қуришда халқимизнинг анъаналари ва руҳиятига мисоқ келадиган ўз йўлимизни изламоқдамиз.

Биз демократияга асосланган, ўзбек халқининг маънавий негизлари ва қадриятларига ҳамоҳанг бўлган давлат қурмоқдамиз.

Яқинда Ўзбекистон тарихида биринчи марта бизнинг парламентимиз — Олий

ҲАМКОРЛИГИМИЗНИНГ НУРЛИ КЕЛАЖАГИ УЧУН

ГФР ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ РОМАН ГЕРЦОГНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ НОМИДАН УЮШТИРИЛГАН КАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТКИ

Муҳтарам Президент жаноблари!
Муҳтарам Каримова хоним!
Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!
Мен ва рафиқам, Президент жаноблари, самимий қутлов сўзларингиз учун Сизга чин юракдан миннатдорлик билдираман.

Шахсан мен қиш пайтида Давосда бошланган мулоқотимизни давом эттираётганим, айна пайтда Сиз, Президент жанобларининг 1993 йил бошида Германия Федератив Республикасига қилган ташрифингизга жавобан мамлакатингизга ташриф буюрганимдан хурсандман.

Ўзбекистон Республикаси худудий майлони ёки аҳолиси сони жиҳатидангина эмас, ўзининг маданий мероси, иқтисодий ресурслари ва сиёсий ўрни жиҳатидан ҳам Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам вазифамни бажаришга киришганимдан кейин орадан атиги бир неча ой ўтиши биланоқ Германия давлати бошлиғи сифатидаги биринчи расмий ташрифим Сизнинг мамлакатингизга бўлди.

Собиқ Совет Иттифоқи қадимий кетганидан кейин пайдо бўлган бошқа давлатлар сингари, Ўзбекистоннинг ҳам олдига турган муҳим вазифа жараёнда ўз ўрнини аниқлаб олиш ва қўшнилар билан муносабат ўрнатиш, давлатчиликнинг ўзига хос тузилмаларини

барпо этиш, бозор иқтисодиёти сари қаратилган янгиланишлар жараёнини йўлга қўйиш ҳамда ҳамкорликнинг янги шаклларини ишлаб чиқишдан иборат эди. Бу — ута мураккаб жараён бўлиб, биз уни ўз бошимиздан кечирганимиз. Шунинг учун Сиз бизнинг мамлакатингизга юз бераётган ўзгаришларни тўғри англашимизгагина эмас, имкониятларимиз доирасида Сизни қўллаб-қувватлашга тайёр эканимизга ҳам умид боғлангиз бўлади.

Совет империяси Ўзбекистонга ҳам оғир мерос қолдирган. Сиз, Президент жаноблари, сиёсий хилма-хиллик шароитида иқтисодий яхлитликни сақлаб қолиш борасида доимий равишда ва ниҳоятда фаоллик билан ҳаракат қилиб келмоқдасиз. МДҲдаги бошқа давлатлар раҳбарлари орасида Сизнинг овозингиз, айниқса, яхши эшитилмоқда ҳамда унга барча қўлоқ солмоқда.

Ўзбекистон қадимий ва ранг-баранг тарихга эга. Бу ерда буюк империялар пайдо бўлган, уларни қўдратли ҳукидорлар бошқарган бўлишига қарамай, бу диёр асрлар мобайнида тез-тез босқинлар қурбони бўлган. Бу ўринда Амир Темурдек буюк тарихий шахсни, шунингдек доно ва машҳур Султон Улугбекни ёки бутун дунёга машҳур файласуф, биз Авиценна деб атайдиган Абу Али ибн Синони эслаб ўтиш жоиздир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари шаҳарларнинг но-

ми бизнинг ҳаёлимизда соҳир Шарқ тўғрисидаги тасаввурлар ва «Минг бир кеча» эртакларининггина эмас, Македония подшоиси Искандар ва унинг жанговар сафарлари билан боғлиқ хотираларни ҳам жонлантиради. «Буюк ипак йўли» деганда биз бойлик ва тўқин-сочинлик манзарасини тасаввур қиламиз, аслида эса, Президент жаноблари, бу тушунча Сизнинг мамлакатингиз учун улкан сиёсий, иқтисодий ва маданий қадриятларнинг аниқ алоқа воситаси бўлган. Замонавий транспорт алоқасини олданиб бўлмас, узоқ масофаларга энди қарованлар эмас, самолётлар қатнайди, аммо улар ҳам мамлакатлар ва қитъаларни бир-бирига яқинлаштиради: бу — сиёсий жиҳатдан ҳам муҳим. Шунинг учун ҳам мен Германия ва Ўзбекистон авиакомпаниялари жадвалида Тошкент билан Германия ўртасида қатнайган самолётлар рўйхати ҳам борлигидан хурсандман.

Яна шуниси қувонарлики, Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқи худудига муҳим ўрин тутадиган мустақил давлат бўлибгина қолгани йўқ. Мамлакатингиз тобора кенгайиб бораётган Европа уйи доирасида биз билан яқинлашди. Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотини, ва Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгаши доирасидан ўзаро бевосита алоқаларни қўллаб-қувватлаймиз ҳамда Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида шартнома асо-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясини қақриқ тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 1995 йил 5 май кунини Тошкент шаҳрида қақриқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 апрель.

Олий Мажлисининг иккинчи сессияси муҳокамасида қўйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазокатлари мўлатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги Референдум ақунлари ҳақида ахборот.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси тарқиб тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иш тартиби лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқушда).
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низом лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқушда).
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталарининг тарқибларини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоларини сайлаш тўғрисида.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судини сайлаш тўғрисида.
8. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқушда).

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасида Олий Мажлиси вазокатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

12 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абдулҳўшим Мўтағўев «Келлот ва Нишо иван» консорциуми тарқибидидаги АҚШнинг «Дрессер индустри» корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жон Мерфи ҳамда Япониянинг «Нишо иван» корпорацияси етакчи бошқарувчи директори Эида Суеуми бошлиқ делегация аъзолари билан учрашди.

«Келлот ва Нишо иван» консорциуми Кўкдумалоқ нефт ва газ конини улаштиришда мамлакатимизга кўмак бермоқда. Хўсусан, «Дрессер индустри» корпорацияси Кўкдумалоқ нефт ва газ конидида компрессор станцияси ташкил этишда, АҚШ ва Япония эқсимбанкларини лойиҳа-

ни молиявий томондан қўллаб-қувватлашда «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси билан ҳамкорлик қилади.

Бош вазир А. Мўтағўев мазкур корпорациялар билан бундай ҳамкорлик ҳар иккала томон учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади. Учрашувда Бош вазир ўринбосарлари У. Султоннов, К. Ҳаққўлов, Ташкил иқтисодий фаолият миллий банки билан ўзаро ҳамкорлик шартномасини кўчга киритиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолаш маросими бўлди.

Миялмулов, Кўкдумалоқ нефт ва газ конининг қувватини ошириш имконини берадиган мазкур лойиҳани амалга оширишда «Келлот ва Нишо иван» консорциуми тарқибига кирувчи АҚШнинг «Дрессер индустри» ҳамда Япониянинг «Нишо иван» корпорациялари республикамиз билан кенг ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу корпорациялар, шартномага кўра Кўкду-

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОПАНДИ

12 апрель кунини Тошкентда АҚШ ва Япония эқсимбанкларини билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўртасида Кўкдумалоқ лойиҳаси бўйича кредит битимларини кўчга киритиш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлди.

Миялмулов, Кўкдумалоқ нефт ва газ конининг қувватини ошириш имконини берадиган мазкур лойиҳани амалга оширишда «Келлот ва Нишо иван» консорциуми тарқибига кирувчи АҚШнинг «Дрессер индустри» ҳамда Япониянинг «Нишо иван» корпорациялари республикамиз билан кенг ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу корпорациялар, шартномага кўра Кўкду-

малоқ конини улаштиришда зарур усқуналар етказиб беради. АҚШ ва Япония экспорт-импорт банкларининг лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлаш эса қондан йилга 2 ярим миллион тонна газ конденсатини олиш имкониятини беради.

Ҳужжатни имзолаш маросимида республика Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов, республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. Азимов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Генри Лин Кларк, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укэру Магосаки қатнашди.

КЎКДУМАЛОҚ ЛОЙИҲАСИ КЎЧГА КИРДИ

Ўзбекистон нефт ва газ саноати миллий корпорациясида 12 апрель кунини «Келлот ва Нишо иван» консорциуми билан «Ўзбекнефтгаз» ўртасида Кўкдумалоқ лойиҳасининг компрессор станцияси шартномасини кўчга киритиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолаш маросими бўлди.

Шу йилнинг январь ойида имзолаган шартномада консорциум тарқибидидаги АҚШнинг «Дрессер индустри» ҳамда Япониянинг «Нишо иван» корпорациялари компрессор усқуналарини етказиб бериш кўзда тутилган эди. Бу эса ўзининг захиралари билан ноёб ҳисобланган Кўкдумалоқ конидан олиндиған газ конденсатини қажинини ошириш ва мамлакатимиз учун газ импортини камайтириш имконини беради. «Сайлинг» процесс» технологиясига асосланган мазкур компрессор усқу-

наларидан Кўкдумалоқда фойдаланиш йилга қўшмача 2 ярим миллион тонна газ конденсатини олиш имкониятини яратиб, 30 миллион АҚШ доллари ҳисобидида маблағни тежайди. 163 миллион доллар иштирок қилган АҚШ ҳамда Япониянинг ўринбосарлари К. Ҳаққўлов, У. Султоннов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Генри Лин Кларк, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укэру Магосаки иштирок этди.

(ЎЗА).

САМАРҚАНД ВА БУХОРОГА ТАШРИФ

Мамлакатимизда расмий сафарда бўлган Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида 12 апрель кунини Самарқандга ташриф буюрди.



СУРАТДА: иккала мамлакат раҳбарлари Самарқанд шаҳрида. Т. НОРҚУЛОВ тасвирга олган.

Ўзбекистон ва Германия давлатлари байроқлари билан безатилган Самарқанд аэропортида муҳтарам меҳмонларни вилоят ҳокими П. Абдурахмонов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар ҳар иккала давлат Президентлари ва уларнинг рафиқаларига анвойи гуллар тақдим этишди.

Меҳмонларнинг қадимий Самарқанд билан танишуви Шохизинда мақбарасидан бошланди. Германия Федерал Президенти эндигина қад ростлабтган Рудакий майдонини кўздан кечиргач, Регистон майдонини ва бу ердаги бошқа тарихий мажмуаларни тамоша қилди. Самарқанд фольклор этнография дасталари ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари майдонда театрлаштирилган концерт қўйдилар, халқ унармаицлари эса ўзлари ясаган ноёб бадиий буюмларни намойиш этишди.

— Мен болалигимдан Шарқнинг мафтуниман, — деди ГФР Федерал Президенти Роман Герцог. — Қадимий Самарқандни қўришдек орзум Ўзбекистон мустақиллик нашидасини суриб, тараққий сари далил олдимаётган бир паллада ушалганидан беҳад хурсандман. Бу ерда мен ўзбек халқининг

гойат бой тарихга эга эканига яна бир қарра амин бўлдим.

Республикамиз Президентини Ислам Каримов Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар ривожига ҳақиқат журналистларнинг саволида жавоб қайтарар экан, ушбу қўдратли мамлакат Ўзбекистон учун ишончли ҳамкор бўлиб бораётганини таъкидлади.

— Айна пайтда республикамизда унлаб Ўзбекистон — Германия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда, — деди Ислам Каримов. — Шунингдек, Германиянинг нуфузли 17 фирма ва компаниялари мамлакатимизда ўз ваколатхоналарини очинишга улгурди. Бундан бир ой мўқалдан Германиядаги Веймар университетида Тиллакорни мадрасасини таъмирлаш масаласи муҳокама қилиниб, мазкур олий ўқув юрти бу мақсад учун 50 минг АҚШ доллари ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Биз учун ажратилган маблағнинг миқдори эмас, балки Германиянинг миллий қадриятларини таъкидлашга ақиндан кўмаклашаётгани гойат муҳимдир.

Буюк соҳибқирон Амир Темур мақбараси ҳамда шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишувдан сўнг германиялик олий мартабали меҳмон Са-

миш сомониелар мақбараси, Минораи Калон, Чашмаи Аюб, Нодир Девонбег мадрасаси сингари Шарқ меъморийлигининг ёрқин намуналарини тамоша қилишди.

— Мен жаҳоннинг кўплаб қадимий шаҳарларида бўлганман, — деди Германия Федерал Президенти Р. Герцог ўза мухбирлари билан суҳбатда. — Лексин Бухорои шариф, хўсусан, Минораи Калон тарихий меъморийлик обидаси зиёрати менда унутилмас хотира бўлиб қолади.

Минораи Калон яқинида тўпланган Бухоро шаҳри жамоатчилик вакиллари, меҳнаткашлар ҳар иккала Президентни кўтлаб, уларнинг Ўзбекистон ва Германия мамлакатларини алоқаларини янада яхшилашлари, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришлари йўлида эзу тилаклар билдиридилар.

Шу кунини Германия Федерал Президенти Р. Герцог Ўзбекистон Президенти И. Каримов билан Бухородан Тошкентга қайтиб келди.

Самарқанд ва Бухоро сафарларида Президентлар И. Каримов ва Р. Герцогга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов, Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Амирқул КАРИМ,
Ҳамза ШУКУР,
Илҳом САҒАФ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

марқанддаги «Сино» холодильниклар ишлаб чиқариш заводига келди. ГФР Федерал Президенти бу ерда ишлаб чиқариш жараёни билан танишиди, германиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

Корхонада Президентлар иштирокида Германиянинг «Форон» фирмаси билан «Сино» холодильниклар заводи ўртасида «Форон» қўшма корхонаси тузилгани тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими бўлди. Ҳуж-

жати фирма президенти Херальд Ланг ва завод директори Фуркат Ниёзов имзоладди. Ислам Каримов ва Роман Герцог янги қўшма корхона икки мамлакат ҳамкорлигига муносиб ҳисса қўшишга умид билдиридилар.

Куннинг иккинчи ярмида Германия Федерал Президенти Роман Герцог Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ҳамроҳлигида қадимий Бухорога ташриф буюрди. Бухоро аэропортида юксак мартаба-

Иқтисодиёт чорраҳаларида

ВАТАНИМИЗ табиати, иқлими, ер-суви — битмас-туғалмас хазина. Оқил бўлсак, табиатини бу тайёр инъомини мўл-қўл бойликка айлантмай, давлатимизни иқтисодий қудратли, эл-юртини фаровон қиламиз.

ХУКУМАТИМИЗ қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислохотларни амалга ошираётган бугунги кунда дала меҳнатқашлари ҳам уста бободеҳқонларга хос фикрлаб, изланиб, ташаббускорлик билан иш юритишлари лозим.

моилардан афзал бўлса афзалки, зинҳор кам эмас. Бедага қўшиб экилган маҳсарга алоҳида агротехник қаров зарур эмас. Беда учун бериладиган озуқа ва сувни ўзи маҳсарга ҳам қиёфа қилади.

қолган чиқитидан совун ва кунжара олинади. Шунингдек, кимёгарларимиз бошқа атторлик маҳсулотлари ҳам олишлари мумкин.

варишлаб воёга етказиш учун 900 одам/соат меҳнат сарфланади. Вегетация даврида 5-6 марта агротехник ишлов бериш, сугориш, ўғитлаш, пишиб етилгач, бир неча бор терилади.

Маълумки, пахта чигитидан ёғ олиш жуда мураккаб технологик жараён бўлиб, кўп меҳнат ва харажат талаб этади.



ЕРНИНГ УМРИ БЕКОР УТМАСИН ДЕСАНГИЗ БЕДАГА МАҲСАР ҚУШИНГ

Маълумки, янги беда экилган майдонларда ернинг бир йиллик умри бекор ўтади. Негаки, янги беда биринчи йили деярли ҳосил бермайди.

қолларда беда экилган майдонлар бир йил бекор қилиб кетмасин дея арпани қўшиб экилади. Агар арпа ўрнига маҳсар экилса, мойдан ташқари арпадан кўра кўпроқ озуқа ҳам олишга эришилади.

ҳар қанча олиш манзилга бемалол элтиш мумкин. Шунингдек, сентябрь ойида маҳсар ва беласи ўриб олинган майдонлар чорва моллари учун яхши йеловазифасини ўтайди.

Бу муҳим ишда боқибегамлик, ҳафсаласизлик, айнқиса дангасалик қилиб, аввал озгина ерга экиб қўрайлик, яхши бўлса кейинги йилдан бошлаб экармиз, деган одам ўзини ўзи алдайди.

Шу ўринда маҳсар ўсимлигига қисқача таъриф бериб ўтишга тўғри келади. У ҳам зигир, кунгабоқар каби — донидан ўсимлик мойи олинади.

Маҳсар ҳам бошоқли дон ўсимликлари каби лалми ва сувли жойларда гектаридан 8 центнердан 30 центнергача ҳосил беради.

Маҳсарни бошқа донли ўсимликлар билан қиёлаганда ҳам унинг устуңлиги яққол кўринади.

Абдулла МАДАЛИЕВ, «Ўзтеҳсерависервис» республика бирлашмаси бўлим бошлиғи.



Бухоро ўзининг чиройли кашта-палакларини-ю, зардўзлик кийим-кечаклари билан дунёга машҳур. Матоларга туширилган бежирим нақшларнинг қатига мана шундай масъум қизларнинг беғубор туйғулари, орзу-умидлари йўғрилган, десак муболағи бўлмайди.

ЁШ СОЗАНДАЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси талабалари Гули Жўраева, Раъшан Абдуназаров, Евгений Цой, шунингдек, Урганч мусиқа билим юрти ўқувчиси Мадала Худойбергванов Ашгабат шаҳридан катта муваффақият билан қайтди.

Маънавият АХВОЛ ҚАПАЙ, КИЧКИНТОЙ?

Театр бўсагадан бошланади, деганларидек, инсон камолати ҳам болалар боғчасидан бошланади, десак муболағи бўлмас.



ота-оналарга миллий қадриятлар қай тарзда синглириллаштирилганини кўргазмаи тарзда намойиш этилди. Боғчада болалар томонидан ясалган буюмлар, тикилган кашта ва зардўзлик маҳсулотлари, чизилган суратлардан иборат кўргазма ташкил этилди.

РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

1995 йил 5 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати учун янги тарифлар жорий этилди.

Table with 4 columns: Халқаро телефон алоқаси хизмати тарифлари, Халқаро электроалоқа (телкс) хизмати тарифлари, Халқаро телефон алоқаси хизмати тарифлари, Халқаро электроалоқа (телкс) хизмати тарифлари.

Автоматлаштирилган алоқа йўналишларида оператор хизматидан фойдаланилса, хизмат ҳақи икки ҳисса тўланади. Кредитга гаплашиш учун буюртмага 5 сўм қўшимча олинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электроалоқа хизмати тарифлари

Table with 3 columns: Вилоятлар, шаҳарлараро гаплашиш ҳар минутига сўмда, корхоналар учун, аҳоли учун.

Электроалоқа хизматидан фойдаланиб қолинг! ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

1995 йил 3 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш бўйича янги тарифлар жорий этилди.

ШАҲАРЛАРАО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЙИЧА

Шаҳарлараро телефонда гаплашиш ҳар минутига 300 км масофагача 2,10 сўм.

300 км дан ошганига 4,20 сўм.

Автоматлаштирилган алоқа йўналишларида оператор хизматидан фойдаланилса, хизмат ҳақи икки ҳисса тўланади.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЙИЧА

Даврий пул тўлашга ўтказилган маҳаллий телефон хизмати учун ҳам даврий пул тўлаб борилади.

Ҳар ойда белгиланган 180 минутлик имтиёздан зиёд гаплашилганда ортиқчаси учун белгиланган абонент тўловининг устига ҳар минутига 0,30 сўм тўланади.

01, 02, 03, 04 телефонлари билан гаплашиш, шунингдек шаҳарлараро телефон станциясига буюртма беришлар ҳам даврий пул тўлашдан озод этилмайди.

Абонент тўлови

Даврий пул тўлашга ўтказилмаган, яқка тартибда фойдаланиладиган асосий уй телефони учун ҳар ойда 30,00 сўм.

Жамоа бўлиб фойдаланиш учун 50,00 сўм.

АБОНЕНТЛАРГА ҚЎШЛОҚ ВА ПАРАЛЛЕЛ ТЕЛЕФОН ҲАҚИДА:

Яқка тартибда фойдаланилганда 24,00 сўм.

Жамоа бўлиб фойдаланилганда 40,00 сўм.

ДАВРИЙ ПУЛ ТЎЛАШГА ЎТКАЗИЛГАН ТЕЛЕФОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНДА:

Яқка тартибда фойдаланиладиган асосий аппарат учун ойига 24,00 сўм.

Жамоа бўлиб фойдаланилганда ойига 50,00 сўм.

ҚЎШЛОҚ, ПАРАЛЛЕЛ ТЕЛЕФОНЛАР УЧУН

Яқка тартибда фойдаланилганда ойига 19,00 сўм.

Жамоа бўлиб фойдаланилганда 32,00 сўм.

Шаҳар ва қишлоқ телефон тармоғи (таксофон) орқали абонент билан уч минутгача гаплашиш — 5,00 сўм.

ТЕЛЕФОН ҲАҚИДА

Асосий телефон аппаратини ўрнатилганда олишдаги тўлов — 1300 сўм.

Шаҳарларда, туман марказларида ва қишлоқ жойларида 650,00 сўм.

Параллел телефон аппарати ўрнатилганда олишдаги тўлов шаҳар ва туман марказларида 130,00 сўм.

Қишлоқ жойларида 65,00 сўм.

Иккинчи ҳаҳон уруши инвалидлари телефон аппаратини ўрнатилганда олишдаги тўловдан озод этилади.

РАДИОЛАШТИРИШ

Яқка тартибда фойдаланиш учун асосий радиоточканинг абонентлик тўлови шаҳарда 4 сўм, қишлоқ жойларида 3 сўм.

Радиоточка ўрнатилганда — 40,00 сўм.

Электроалоқа хизматидан фойдаланиб қолинг!

«Ўзтелеком» концерни.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

ЎРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ! Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар кўчмас мулк универсал биржаси 1995 йил 25, 28 апрелда Тошкент шаҳрида кўчмас мулк иншоотларини хусусийлаштириш бўйича очик "Ким ошди савдоси" ўтказилишини маълум қилади.

Ким ошди савдоларига қуйидагилар қўйилади: Ер участкалари бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади.

- 1. Ҳамза тумани "Галабининг 40 йиллиги" мавзеси бозорида жойлашган саноат моллари дўкони. Буюртмачи-Тошкент шаҳар бозорлар бошқармаси, Умумий майдони-202,0 кв.м.
2. Ҳамза тумани "Галабининг 40 йиллиги" мавзеси бозорида жойлашган чойхона. Буюртмачи-Тошкент шаҳар бозорлар бошқармаси, Умумий майдони-202,0 кв.м.
3. Ҳамза тумани "Галабининг 40 йиллиги" мавзеси бозорида жойлашган саноат моллари дўкони. Буюртмачи-Тошкент шаҳар бозорлар бошқармаси, Умумий майдони-202,0 кв.м.
4. Ҳамза тумани "Галабининг 40 йиллиги" мавзеси бозорида жойлашган машиин хизмат кўрсатиши уйи. Буюртмачи-Тошкент шаҳар бозорлар бошқармаси, Умумий майдони-168,0 кв.м.
5. Шойхантахур тумани Ц-15, 12-уйда жойлашган "Жангоҳ" кафеси биноси. Буюртмачи-Тошкент шаҳар ҳокимлиги коммунал мулкчилик бошқармаси, Умумий майдони-405,6 кв.м.
6. Шойхантахур тумани Самарқанд-Дарвоза кўчаси 11-уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги "Динамо" дўконининг биноси, Буюртмачи-Тошкент шаҳар ҳокимлиги коммунал мулкчилик бошқармаси, Умумий майдони-160,0 кв.м.
7. Юнусовод тумани Ц-5, 69-уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги "Шахло" ижара дўконининг биноси. Буюртмачи-Тошкент шаҳар ҳокимлиги коммунал мулкчилик бошқармаси, Умумий майдони-284,8 кв.м.
8. Шойхантахур тумани Ц-15, 9-уйда жойлашган "Нурафшон" кафеси биноси. Буюртмачи-Тошкент шаҳар ҳокимлиги коммунал мулкчилик бошқармаси, Умумий майдони-503,0 кв.м.
9. Ҳамза тумани "Галабининг 40 йиллиги" мавзесида жойлашган 34/3 сонли хўжалик моллари дўкони. Буюртмачи-Тошкент шаҳар ҳокимлиги коммунал мулкчилик бошқармаси, Умумий майдони-550,0 кв.м.
10. Акмал Икромов тумани, "Иза" даҳасида жойлашган, яқка тартибда қўриладиган даҳа. Ер участкаларининг сон-4 участка /№№ 5, 6, 7, 8/ Ер майдони-400 кв.м.
11. Юнусовод тумани, "Боз-су" канали қирғовининг чап томонида жойлашган Тошкент халқа йўли ёнидаги яқка тартибда қўриладиган даҳа. Ер участкаларининг сон-12 участка /№№ 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20/ Ер майдони-400 кв.м.
12. Ҳамза тумани "Авиасозлар" бозори ҳудудида жойлашган "Тан" хусусий фирма дўконининг биноси

Тўлов шакли турли йўллар билан амалга оширилади. "Ким ошди савдоси" да қатнашиш учун аризалар ҳар куни /яшанбадан ташқари/ соат 9.00 дан 18.00 гача, шанба куни соат 9.00 дан 15.00 гача Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, биринчи қават, 1-хонада "Ким ошди савдоси" ҳайъати томонидан қабул қилинади.

Сиз бу ерда иншоотлар билан батафсил танишинингиз ва Сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича маслаҳатлар олишингиз мумкин.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-53-77, 44-53-68. Аризалар қабул қилишининг охириги куни 1995 йил 24 апрель. Иншоотларни хусусийлаштириш очик "Ким ошди савдоси" 1995 йил 25-28 апрелда соат 11.00 бўлиб ўтади. "Ким ошди савдоси"ни ўтказиш жойи: А. Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-қават "Ким ошди савдоси" зали.

